

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.V.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХУЖАНОВА ЛАТОФАТ АБСАЛОМОВНА

**ОЗИҚЛАНИШ ТИПЛАРИНИНГ СИГИРЛАР ҲАЗМ
ЖАРАЁНЛАРИГА, МАҲСУЛДОРЛИГИГА ВА СУТИНИНГ АЙРИМ
ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферат диссертации доктора философии (PhD)
по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on biological sciences**

Хужанова Латофат Абсаломовна

Озиқланиш типларининг сигирлар ҳазм жараёнларига, маҳсулдорлигига ва сутининг айрим хусусиятларига таъсири 3

Хужанова Латофат Абсаломовна

Влияния типов кормления на процессов пищеварения, продуктивности и некоторые свойства молока коров..... 21

Khujanova Latofat Absalomovna

Influence of types of feeding on digestion processes, productivity and some properties of milk of cows..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.V.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

ХУЖАНОВА ЛАТОФАТ АБСАЛОМОВНА

**ОЗИҚЛАНИШ ТИПЛАРИНИНГ СИГИРЛАР ҲАЗМ
ЖАРАЁНЛАРИГА, МАҲСУЛДОРЛИГИГА ВА СУТИНИНГ АЙРИМ
ХУСУСИЯТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/В404 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарқанд ветеренария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ражамуродов Зайнитдин

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбонов Шонияз

биология фанлари доктори, профессор

Алиев Дилмурод Давронович

биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.В.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «08» июнь соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел: (99866) 239-11-40, факс: (99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.:(99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2021 йил «24» май кuni тарқатилди.
(2021 йил «24» май даги 15 рақамли реестр баённомаси).



И.Ҳамдамов

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси,
биология фанлари доктори, профессор

М.С.Кузиев

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.Қ.Хайдаров

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда чорва моллари бош сонининг ортиши, ноқулай экологик омиллар таъсирида озуқабоп ўсимликларнинг ботаник ва кимёвий таркибининг, тўйимлилиқ қийматининг пасайиб кетиши, ҳайвонларни сут, гўшт маҳсулдорлигини камайиши кузатилмоқда. Сўнги пайтларда чорва молларини тўла қийматли озуқа оқсили билан таъминлашдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда, олинаниган маҳсулотлар сифатини яхшиловчи ва озиқалар сарфи самарадорлигини таъминловчи моддаларни рационларга қўшиб озиқлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Чорва молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини сақлаб қолиш ва янада ошириш учун, уларни озиқлантиришда фойдаланиладиган рационларнинг тўйимлилигини, ҳазмланишини ва истеъмол қилинишини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда кўпгина чорвачилиқ тараққий этган мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқот ишларида қимматли зотлар генотипларидан фойдаланиш ва зотларнинг насл хусусиятларини ўрганиш асосида улардан фойдаланишнинг илмий асосланган технологик жараёнлари ишлаб чиқилмоқда. Юқори маҳсулдор ҳайвонлар генотипига мансуб сигирларни озиқлантириш рационлари такомиллаштирилиб ишлаб чиқаришга жорий этилишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, импорт қилинган юқори маҳсулдор сигирларнинг минтақага мослашиш механизмларини, озиқлантиришнинг янги типларига мослашуви, уларнинг маҳсулдорлик хусусиятларига ва организмнинг табиий чидамлилигига таъсирини аниқлаш, чорвачилиқ соҳаси ривожланишини яхшилаш ҳамда аҳолини экологик тоза озиқланиш маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сут йўналишидаги қорамолчилиқни янада барқарор ривожлантириш учун айниқса, импорт қилинган сигирларни сут маҳсулдорлигини ошириш мақсадида уларни тўла қимматли, мувозанатлаштирилган рационлар билан озиқлантириш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш”¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, минтақадаги мавжуд қорамолчилиқга ихтисослашган хўжалиқлардаги сигирларни тўла қийматли озиқлантиришни ташкил қилиш ҳисобига истеъмол қилинаниган тўйимли моддалар миқдорини ошириш, уларнинг ҳазмланиши ва ўзлаштирилишини яхшилаш ҳисобига сут маҳсулдорлигини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

¹. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон фармони. 7феврал 2017 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юқори маҳсулдор сигирлар организмининг гомеостатик тизимига, уларнинг сут маҳсулдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичларига, физик-кимёвий кўрсаткичларига иқлимий-озиқавий омилларнинг таъсирини ўрганишга оид тадқиқот натижалари хорижий олимлар; Н.И.Стрекозов, Е.С.Воронин, Г.И.Крусь, П.Прохоренко, А.М.Шувариков, М.С.Вельвер, К.В.Драганов, Х.А. Амерханов, Р.А.Асрутдинова, J.W.Harvey, S.Lores, S.Mahmand, J.Findlay кабилар томонидан олиб борилган изланишларда баён қилинган.

Ўзбекистоннинг экстремал шароитини сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдорига, сифатига ва физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш бўйича айрим текширишлар Ш.А.Акмалхонов, У.Н. Насыров, М.А.Ашуров ва А.К.Кахоровлар томонидан бажарилган.

Бироқ хориж селекцияга мансуб сигирларни турли озиқланиш типидagi рационлар билан озиқлантиришнинг тўйимли моддаларни истеъмол қилинишига, ҳазмланишига таъсири, шунингдек рационларни соғиб олинган сутни таркибига ва физик-кимёвий хусусиятларига таъсир механизмларини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шу нуқтаи назардан олганда, мазкур йўналишдаги илмий изланишлар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланиб, муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ “Зарафшон воҳасида (ўрта оқим) қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишнинг морфо-биокимёвий ва физиологик жиҳатлари” мавзуси доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизга импорт қилинган Голштин зотли сигирлар организмидаги моддалар алмашинуви, қони ва сутининг физиологик, биокимёвий хусусиятларига сенаж типдаги рационларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сигирларни озиклантиришда фойдаланиладиган турли типдаги озикланиш рационларининг кимёвий таркиби, биологик қиймати ва истеъмол қилинган озикалар таркибидаги тўйимли моддалар миқдорининг сигирлар кунлик эҳтиёжини қондириш даражасини аниқлаш;

турли типдаги озикланиш рационлари билан озиклантирилган маҳсулдор сигирлар ошқозон ичаклар тизимида озикаларнинг ҳазмланиши ва ҳазмланиш моддаларни ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш;

турли типдаги озикланиш рационлари билан озиклантирилган сигирлар катта қоринида кечадиган биокимёвий ва микробиологик жараёнларнинг сигирлар организмнинг клиник ва физиологик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаш;

турли типдаги озикланиш рационлари билан озиклантиришнинг сигирлар қонининг морфо-биокимёвий кўрсаткичларига, сутининг физик-кимёвий хусусиятларига ва организмнинг табиий чидамлилигига таъсирини аниқлаш;

юқори маҳсулдорлик кўрсаткичларига эга сигирларни экстремал шароитида урчитишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида юқори маҳсулдорлик хусусиятларига эга хориж генерациясига мансуб Голштин зотли сигирлар хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида хорижий селекцияга мансуб сигирлар томонидан истеъмол қилинган озикалар, катта қорин суюқлиги ва сутидан олинган намуналар, қон ва қон зардобининг морфо-биокимёвий ва клиник кўрсаткичлари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда умум қабул қилинган замонавий физиологик, морфо-биокимёвий, микробиологик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;

Самарқанд вилояти шароитида хориж селекциясига мансуб юқори маҳсулдор сигирларни озиклантиришда янги типдаги рационлардан фойдаланишнинг умумбиологик жиҳатлари очиқ берилган;

сигирлар томонидан озикаларнинг истеъмол қилиниши, ҳазмланиши ва ўзлаштирилишининг, олинадиган маҳсулот миқдорига ҳамда сифатига таъсирини интерьер кўрсаткичлар ёрдамида назорат қилиш илмий асосланган;

лактация даврида силос ўрнига сенаж типдаги рационлардан фойдаланиш сигирлар организмида кечаётган физиологик ва биокимёвий жараёнлар муътадиллашувини таъминлаши аниқланган;

лактация даврида сенаж типдаги рационлардан фойдаланиш сигирлар маҳсулдорлигини сақлаб қолиш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган тўйимли

моддалар улушини камайтириш ва хўжаликнинг рентабеллик даражасини ошириш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғиладиган сигирларни сенаж типдаги рационлар билан озиқлантириш уларнинг клиник ҳолатини ва иштаҳасини яхшилаши, маҳсулот бирлигига сарфланадиган озуқалар сарфини камайтириши ва сутнинг сифатини ошириши бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

сенаж типдаги озуқа рационлари билан озиқлантирилганда сигирларнинг овқат ҳазми жараёнларини антропогенли бошқариш, протеин ва енгил ҳазмланувчи компонентлардан самарали фойдаланиш, рационга қўшилиши зарур бўлган концентрат озуқалар миқдорини камайтириш ҳамда ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш имконини берувчи самарали рационларни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Экспериментал тадқиқот ишларини бажаришда ҳайвонлар ва таҳлил намуналари миқдорининг етарли бўлиши, тажрибаларнинг такрорланиши, натижаларнинг замонавий физиологик-биокимёвий тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги, натижаларнинг республика ва халқаро анжуманларда муҳокама қилинганлиги ва нуфузли илмий нашрларда chop этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари рационларидаги тўйимли моддалардан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳсулдорлик имкониятларини генетик намоён қилинишини рағбатлантириш, ҳамда сигирлар организмнинг табиий чидамлилигини, қоннинг морфо-биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлари мутадиллигини таъминлаш орқали, ҳайвонлар бош сонини ва маҳсулдорлигини сақлаб қолишга эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, импорт қилинган маҳсулдор сигирларни тўла қимматли озиқлантириш бўйича инновацион технологияларни қўллаш ҳисобига улар организмга тўйимли моддалар тушишини мақбуллаштириши ва лактация даврини қисқартириб кунлик сут маҳсулоти миқдорини сақлаб қолиниши, организмнинг табиий чидамлилигини ортиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли озиқланиш типлари рационлари билан озиқлантиришнинг ҳазм жараёнларига, маҳсулдорлигига ва сутининг айрим физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

юқори маҳсулдор сигирларни биологик жиҳатдан тўла қийматли сенаж озиқланиш типи рационлари билан озиқлантириш ҳисобига ҳайвонларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини сақлаб қолиш, маҳсулот бирлигига сарфланадиган қуруқ модда улушини камайтириш ва хўжаликнинг рентабеллик даражасини ошириш кўрсаткичлари Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Тойлоқ туманларида чорвачиликга ихтисослашган фермер хўжаликлари амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси

ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 30 июндаги 02/23-218-сон маълумотномаси). Натижада Самарқанд вилояти шароитига импорт қилинган юқори маҳсулдор сигирларни меъёр асосида сенаж типи рационлари билан озиқлантириш ҳисобига уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини сақлаб қолиш имконини берган;

сигирларнинг табиий чидамлилигини оширишда силосли рацион ўрнига сенажли рационлардан фойдаланиш БВ-А-ЦХ-2018-17 рақамли “Сигирларнинг акушер-гинекологик касалликларини даволаш, сервис даврини қисқартириш, сунъий қочиришнинг янги усуллари ва воситаларини яратиш” лойиҳасида сигирларни лактация даврида иммун кўрсаткичларини оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 89-03-2879-сон маълумотномаси). Натижада юқори маҳсулдор сигирлардан олинадиган сут маҳсулдорлигини кўпайишини, сифати эса меъёр даражасида сақлаб қолишдан ташқари, организмнинг табиий чидамлилиги кўрсаткичларини ортиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот ишининг натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та иш чоп этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юқори маҳсулдор сигирларни озиқлантиришда фойдаланилаётган озиқланиш рационлари таркибидаги тўйимли моддаларнинг ҳазмланиши, ўзлаштирилиши ҳамда тана маҳсулотларига айлантирилиши”** деб номланувчи биринчи бобида, янги замонавий адабиётлардан самарали фойдаланган ҳолда кавшовчи ҳайвонлар маҳсулдорлигини оширишда меъдаолди бўлмаларининг биологик аҳамияти, ҳайвонлар сутининг кимёвий таркиби, физик ва технологик хусусиятлари, маҳсулдор ҳайвонлар организмидаги моддалар алмашинуви бузилишларини

олдини олиш ва сигирларнинг генетик имкониятларини сақлаб қолишда озиқланиш омилларининг таъсири ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ҳудудлари, объектларининг умумий тавсифи ва фойдаланилган услублар”** деб номланувчи иккинчи бобида тадқиқот ишлари бажарилган ҳудудларнинг климатик, озуқавий параметрлари, олиб бориладиган тадқиқотларнинг текшириш ва таҳлилий ишларининг бажарилиш тартиби ва умумий чизмаси тавсифланган. Бундан ташқари, қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун норма асосида хориждан келтирилган сигирларни турли лактация даврларида озиқлантириш тажрибаларини ташкил қилиш, ҳайвонларни физиологик ҳолати, ёши, массасига мос ҳолда озиқланиш рационларини шакллантириш, рационларнинг таркибини, биологик қийматини аниқлаш, озиқлантириш тартиби белгилаб олинган. Соғиладиган сигирларни турли типларга мансуб рационлар таркибидаги озиқаларнинг истеъмол қилиниши ва тўйимли моддаларнинг ҳазмланиш хусусиятлари, катта қоринда юзага келадиган биокимёвий ва микробиологик ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг қон ва унинг зардобини морфо-биокимёвий кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ҳамда уларнинг сутининг миқдорида, сифатий ва технологик кўрсаткичларида акс этишини таъминлаб берувчи фойдаланилган усуллар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Голштин зотли маҳсулдор сигирларни турли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантиришнинг, озиқаларни истеъмол қилинишига ва ҳазмланиш жараёнларига таъсири”** мавзусидаги учунчи бобида, тажрибадаги маҳсулдор соғин сигирлар томонидан рацион таркибидаги озиқаларнинг истеъмол қилиниши, озиқланиш типларига мос ҳолда уларнинг ошқозон-ичаклар трактида тўйимли ва биологик моддаларнинг ҳазмланиш ва ўзлаштирилиш хусусиятлари, соғин сигирларнинг озиқланиш типларига мос ҳолда клиник ва физиологик кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Режалаштирилган тадқиқот ишимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, хориж селекциясига мансуб маҳсулдор сигирларни турли озиқланиш типлари рационлари билан озиқлантирилганида, рацион таркибидаги тўйимли моддаларнинг истеъмол қилинишини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал). Силосли типдаги 1-гурух (назорат) сигирларининг рационини ўзларининг таркибида юқори миқдордаги липидларни сақлаши ва паст миқдордаги қанд сақлаши билан ажралиб турса, сенажли типдаги 2-гурух (тажриба) сигирларининг рационини бир мунча юқори миқдорда протеин ва катта миқдорда клетчатка сақлаши билан бир-биридан фарқ қилди. Лактация даврининг биринчи ярмида силосли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилган 1-гурух сигирлари рационини куруқ моддасининг таркибида 12,9% протеин, клетчатка эса 22,9%ни ташкил этди. Айнан шу даврда сенажли типдаги рацион билан озиқлантирилган 2-гурух сигирларининг рационини куруқ моддасининг таркибида протеиннинг миқдори 13,7%, клетчатка эса 27,3%ни ташкил этиши аниқланди.

**Тажрибаларнинг даврлари бўйича, тажрибадаги соғиладиган
сигирларнинг озиқланиш рационлари**

Кўрсаткичлар	Тажрибалар даврлари					
	Лактациянинг бошланиши		Лактациянинг 3-ойи		Лактациянинг 2-ярми	
	Гуруҳлар					
	I	II	I	II	I	II
Беда пичани, кг	6,0	6,0	8,0	8,0	7,0	7,0
Турли ўтлар сенажи, кг	-	22,0	-	25,0	-	24,0
Маккажўхори силоси, кг	28,0	-	32,0	-	30,0	-
Бўғдой сомони, кг	4,0	4,0	5,0	5,0	4,0	4,0
Комбикорма, кг	2,5	2,5	5,5	5,5	3,0	3,0
Уларнинг таркибида сақланувчи моддалар ва тўйимлилик қиймати						
Энергетик озиқ бирлиги	12,8	12,5	16,7	16,5	15,5	13,3
Алмаш. энергия, мДж	142,2	149,8	186,6	196,8	155,4	168,9
Қуруқ модда, кг	16,6	17,0	19,9	20,0	18,1	17,8
Хом протеин, г	1764,3	1890,5	2560,4	2742,5	1996,4	2284,6
Клетчатка, г	4112,6	4990,5	4562,0	5445,0	4362,0	5124,0
Қанд, г	689,3	960,5	792,8	1076,4	741,1	1026,5
Ёғ, г	602,3	490,0	920,2	808,4	753,8	649,3
Кальций, г	82,4	84,0	115,2	117,8	98,4	102,5
Фосфор. Г	50,6	54,5	81,4	85,0	64,1	69,4
1кг қуруқ модда таркиб. алмаш. энергия, МДж	8,5	8,8	9,3	9,8	8,0	9,3

Жадвал маълумотларидан, кўриниб турибдики, сигирларнинг лактация даврларининг ўзгаришига мос ҳолда айрим тўйимли ва биологик фаол моддаларнинг бир-бирига бўлган нисбати ҳам ўзгарди. Турли кўп йиллик ўтлардан тайёрланган сенажнинг 1 кг қуруқ моддасида 8,1 МДж, беда пичанида 10,4, бўғдой сомонида 5,6 МДж алмашинувчи энергия сақланиши аниқланди. Айрим озиқалар қуруқ моддасидаги алмашинувчи энергиянинг концентрациясининг ҳисобга олганимизда, соғилиш даврида сигирларнинг кунлик рационидagi алмашинувчи энергиянинг концентрацияси мос ҳолда 9,4 ва 9,8 МДж ни ташкил этган бўлса, лактация даврининг бошланишида ва охирида озиқлантирилган рационлар таркибидаги алмашинувчи энергиянинг концентрациясининг кўрсаткичлари соғилиш давридагидан маълум даражада паст бўлди.

2-жадвалда қиёсланаётган гуруҳлар сигирлари томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган озиқаларнинг миқдорлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, концентрат озиқалар ҳар иккала гуруҳлар сигирлари томонидан тўлиқ истеъмол қилинган бўлса, бўғдой сомони, турли кўк ўтлар сенажи, маккажўхори силослари маълум даражадаги етарлича яхши сифатга эга бўлиши керак.

Тажрибаларнинг даврлари бўйича, тажрибадаги соғиладиган сигирлар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган озиқалар миқдори

Кўрсаткичлар	Тажрибалар даврлари					
	Лактациянинг бошланиши		Лактациянинг 3-ойи		Лактациянинг 2-ярми	
	Гуруҳлар					
	І	ІІ	І	ІІ	І	ІІ
Беда пичани, кг	5,8	5,5	7,5	7,0	6,7	6,4
Турли ўтлар сенажи, кг	-	20,5	-	23,6	-	21,6
Маккажўхори силоси, кг	26,7	-	29,8	-	28,4	-
Бўғдой сомони, кг	2,1	2,0	5,0	5,0	4,0	4,0
Комбикорма, кг	2,5	2,5	3,5	3,3	2,6	2,5
Уларнинг таркибида сақланувчи моддалар ва тўйимлилик қиймати						
Энер. озиқ бирлиги	12,3	12,0	16,2	16,0	13,0	12,8
Алмаш. энергия, мДж	137,8	143,0	181,5	196,7	151,0	149,6
Қурук модда, кг	15,8	16,2	19,1	20,2	17,2	17,1
Хом протеин, г	1621,0	1689,2	2424,2	2616,1	1945,2	2092,8
Клетчатка, г	3861,4	4643,5	4482,9	5067,7	4081,2	4952,7
Қанд, г	662,4	922,1	791,3	1043,4	713,7	987,9
Ёғ, г	578,8	456,1	894,7	773,5	725,9	624,8
Кальций, г	72,6	74,8	102,0	104,6	76,7	78,9
Фосфор. г	41,4	43,2	72,7	76,2	43,8	45,6
1 кг қ.м. таркибидаги алмаш. энергия, мДж	8,8	9,0	9,5	9,8	8,8	9,0

Тажрибанинг бошланишида соғиладиган сигирлар томонидан ўртача 96,7% ва 91,7% дан беда пичани истеъмол қилинган бўлса, 1-гуруҳ сигирлари маккажўхори силосини 95,4%, 2-гуруҳ сигирлари эса сенажни 93,2% га истеъмол қилишгани аниқланди. Соғилиш даврида 1-гуруҳ сигирлари пичан ва силосни мос ҳолда 93,8 ва 93,3% истеъмол қилишган бўлишса, 2-гуруҳ сигирлари томонидан истеъмол қилинган пичан ва сенажнинг миқдори мос ҳолда 87,5 ва 94,4% ни ташкил қилди (2-жадвал).

Тажрибанинг охирида 1-гуруҳ сигирлари томонидан 95,7 ва 94,4% пичан ва силос истеъмол қилинган бўлса, 2-гуруҳ сигирлари томонидан истеъмол қилинган пичан ва сенажнинг миқдори мос ҳолда 91,4 ва 90,0% ни ташкил этиши қайд қилинди.

Турли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилган соғин сигирларнинг рациони таркибидаги тўйимли моддаларнинг катта қориндаги ўзгариш кўрсаткичларидан шу нарса аниқландики, соғиладиган сигирлар катта қорин суяқлигидаги ўрганилган кўрсаткичларнинг ўзгариши озиқлантирилган рационларнинг қайси озиқланиш типига мансублигини аниқлаб бериши мумкин. боғлиқлиги аниқланди. Келтирилган 3-жадвал маълумотларидан шу нарса аниқ бўлдики, тажриба гуруҳи сигирлари катта қорини суяқлиги таркиби бўйича кўрсаткичлари-рН, умумий ва аммиакли

азотларнинг концентрацияси ва УЁКнинг миқдори бўйича кўрсаткичларни ўзгариши истеъмол қилинган сенаж типдаги рационларга мансублигига мос ҳолда амалга ошиши кузатилди.

3-жадвал

Турли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилган сизирлар катта қорин суюқлиги метаболизми

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	1	2
рН-кўрсаткичи	5,99±0,01	6,89±0,02*
Умумий азот, мг/%.	85,5±0,9	97,7±1,1**
Оқсилли азот, мг/%.	58,17±2,32	68,24±1,85*
Аммиак, мг/%.	17,34±0,79	18,2±0,63
1 мл катта қорин суюқлигидаги бактериялар, млрд.	45,88±1,75	52,38±1,81*
1 мл катта қорин суюқлигидаги инфузориялар, млрд.	464,41±10,8	597,63±9,82***
УЁК, моль/100мл.	9,18±0,21	10,3±0,3**
Учувчи ёғ кислоталарининг нисбати, %		
Сирка	44,89±0,86	58,43±0,83**
Пропион	19,35±1,05	21,54±0,79
Мой	16,77±0,77	14,77±0,45*
Бошқа ёғ кислоталари	20,94±1,23	6,71,0,82**


Изох *-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001; 1-гуруҳ сизирларига нисбатан кўрсаткичлардаги фарқ ишончли

Катта қорин суюқлигидаги умумий ва аммиакли азотнинг концентрацияси бўйича энг юқори кўрсаткич сенаж типли рацион билан озиқлантирилган 2-гуруҳ сизирларида кузатилди, 1 ва 2-гуруҳ сизирларининг кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишончли (P<0,01).

Сенажли тип рацион билан озиқлантирилган 2-гуруҳ сизирлари катта қорини суюқлигидаги УЁКнинг концентрацияси бўйича ҳам кўрсаткичлар ишончли даражада юқори бўлиши аниқланди (P<0,01). Бу фарқларнинг келиб чиқиши, энг аввало силосга нисбатан сенажнинг таркибида энгил парчаланувчи ва ҳазмланувчи углеводларнинг кўп бўлиши билан таъминланади, чунки силос таркибидаги углеводлар силос сақланувчи ҳандакларда органик кислоталаргача ачиб-бижғийди. 2-гуруҳ сизирлари катта қорин суюқлигидаги водород ионларининг(рН) кўрсаткичларини 1-гуруҳ сизирлариникига нисбатан бир мунча юқори бўлишини ўзи олинган маълумотларнинг ишончилигидан далолат беради (P<0,05) (3-жадвал).


Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда шундай ҳулоса қилишимиз мумкинки, соғилаётган сизирларнинг катта қоринидаги овқат ҳазми жараёнлари сенажли типдаги рационлар билан озиқлантирилганида, силосли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилган сизирларга нисбатан анча жадал кечади. Юқори маҳсулдор соғиладиган сизирларнинг ошқозон олди бўлмаларида рацион таркибидаги тўйимли моддаларнинг айланиш ва ўзлаштирилишидаги роли шундан

иборатки, улар тўйимли моддаларнинг умумий ҳазмланишига маълум даражадаги юқори таъсир кўрсатади. Навбатдаги тажрибамизда сенажли типдаги рацион билан озиклантирилган 2-гурухнинг соғиладиган сигирлари, силосли типдаги рационлар билан озиклантирилган 1-гурух сигирларига нисбатан рационнинг куруқ моддасини 5,8% кўп истеъмол қилганлиги аниқланди (1-расм).




1-расм. Соғин сигирлар рационини билан ошқозон-ичаклар тизимга тушган тўйимли моддалар

Турли озикланиш типлари рационлари билан озиклантирилган сигирлар организмнинг клиник ва физиологик кўрсаткичлари тажрибалар давомида физиологик норма чегарасида сақланиб қолган бўлсада, сигирлар организмда сутнинг синтезланиши юқори даражага чиққан пайтида, сенаж типли рационлар билан озиклантирилган 2-гурух сигирлари юрагининг қисқариш частотаси ва нафас ҳаракатларининг сони 1-гурух сигирларига нисбатан, мос ҳолда 7,02 ва 7,08% га юқори эканлиги аниқланди. Қон томирларидаги артериал босим кўрсаткичларида ҳам юқоридагидек аналогик ҳолат аниқланди (2-расм).



2 -расм. Силосли ва сенажли озикланиш типлари рационлари билан озиклантирилган сигирларнинг клиник ва физиологик кўрсаткичлари

Диссертациянинг “Турли озиқланиш типдаги рационлар билан озиқлантирилган юқори маҳсулдор Голштин зотли соғин сигирлар қонининг морфо-биокимёвий ва сутининг физик-кимёвий хусусиятлари” деб номланган IV бобида юқорида келтирилган маълумотларнинг ишончлилиқ даражасини қанчалиқ ишончли эканлигини текшириб кўриш ва уларнинг илмий жиҳатдан тўғри бажарилганлигини тасдиқлаб олиш учун тажрибадаги сигирлар қонининг морфо-биокимёвий ва сутининг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганилди (3-расм).




3-расм. Тажрибадаги соғин сигирлар қонининг морфологик кўрсаткичлари

Маълумки, ички муҳитнинг стабиллигини таъминловчи қон организмдаги барча алмашинув жараёнларида иштирок этади. Овқат ҳазми ва моддалар алмашинуви жараёнларини тавсифловчи кўрсаткичлар билан бир қаторда қоннинг морфо-биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ҳисобига ҳам турли озиқланиш типлари ёки шароитларининг самарадорлиги ҳақида гап юритиш мумкин. 3-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики соғин сигирларнинг турли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилиши уларнинг қонининг гематологик кўрсаткичларига ўзининг таъсирини кўрсатди.

Сенажли типдаги рационлар билан озиқлантирилган 2-гуруҳ сигирлари қони айрим кўрсаткичлари билан, силосли тип рациони билан озиқлантирилган 1-гуруҳ сигирлари қони таркибидан ишончли даражада ортиқ бўлишинианиқ кўрсатди. Тажрибадиги соғин сигирлар организмнинг кислород билан таъминланишида асосий ролни ўйновчи гемоглобиннинг концентрацияси бўйича ҳам 2-гуруҳ соғин сигирлари 1-гуруҳ сигирларига нисбатан устунлик қилганлиги жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибди ва бу устунлик 12,4% ни ташкил этди. Бу фарқларнинг юзага келишининг асосий сабаби, сенажли тип рационлари билан озиқлантирилган 2-гуруҳнинг

соғин сигирлари организмидаги моддалар алмашинуви жараёнларнинг юқори даражадаги жадаллик билан кечиши билан боғлиқ бўлса керак деб тушунтирамыз.



4-расм. Тажрибадаги соғин сигирлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари

Сенажли типдаги рационлар билан озиклантирилган сигирлар рацион билан протеин ва клетчатканинг кўпроқ истеъмол қилиши туфайли бўлса керак, қон зардоби таркибидаги умумий оксилнинг миқдори 2-тажриба гуруҳи сигирларда $83,6 \pm 1,2$ г/л ни ташкил қилди, бу эса силосли типдаги рацион билан озиклантирилган 1-назорат гуруҳи сигирларидагига нисбатан 12,82% га кўп бўлиши аниқланди (4-расм).

Лекин солиштирилаётган гуруҳларда альбуминлар ва глобулинларнинг улуши орасидаги фарқлар тубдан фарқ қилди. Айниқса, глобулинларнинг миқдори 2-тажриба гуруҳида 36,4%га ортиқ экани аниқланди, бу эса бу гуруҳ сигирларининг солиштирилаётган гуруҳга, нисбатан улар организмнинг иммун тизими чидамлилигидан далолат беради (4-жадвал).

Соғлом қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинадиган сут маълум даражадаги органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар билан тавсифланади, айнан ана шу кўрсаткичларини ўзгариши бўйича сутнинг сифати ҳақида гап юритиш мумкин (4-жадвал). Тажриба гуруҳидаги сигирлардан 305 кунлик лактация даврида $8009 \pm 120,7$ кг сут соғиб олинди, бу эса, назорат гуруҳидаги сигирларга нисбатан (20,7%; $P < 0,001$) кўп бўлишини таъминлади. Бир кунлик соғиб олинган сутнинг миқдори сенажли типдаги рацион билан озиклантирилган тажриба гуруҳи сигирларида 3,4 кг га ёки 16,9% ($P < 0,001$) га юқори бўлиши аниқланди. Увуз сути бериш даври ўтганидан кейин сигирларда маълум даражада фарқ қилди (5-расм).


Голштин зотли Германия селекциясига мансуб сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва тирик массаси, (n=10 бош)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		Назоратган иисбатан % ҳисобида
	Назорат	Тажриба	
Лактация давринингдавом этиш муддати, кун	367,1±3,9	359,0±4,9	-2,2
305 кунлик лактация давомида соғиб олинган сут, кг	6636±90,3	8009±120,7	20,7*
Лактация давомида соғиб олинган сут, кг	7409±94,3	8490±132,9	14,6
Ёғнинг массали улуши, %	3,55±0,02	3,55±0,02	=
Сут ёғи, кг	235,34±2,9	283,91±2,9	20,6
Оқсилнинг массали улуши, %	3,04±0,01	3,14±0,03	3,2
Сут оқсили, кг	200,9±1,7	253,38±2,2	26,1
Сигирларнинг ўртача тирик массаси, кг	534,4±3,2	536,3±3,5	0,35
Ўртача бир кунлик соғиб олинган сутнинг миқдори, кг	20,09±0,51	23,49±0,37*	16,9
Сигирларнинг сутдорлик индекси	1312±21,6	1555±13,91***	18,5

Изоҳ * -P<0,05; ***-P<0,001; 1-гуруҳ сигирларига нисбатан кўрсаткичлардаги фарқ ишончли


Сенажли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилган назорат гуруҳи сигирлари томонидан синтезланадиган сутнинг миқдори, тажриба гуруҳи сигирларида синтезланадиган сутнинг миқдори юқори эканлиги лактациянинг барча ойларда кузатилиб турди. Демак, олинган натижалар асосида шуни хулоса қилишимиз мумкинки, силосли озиқланиш рационига нисбатан, сенажли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантириш Голштин зотли соғин сигирлар учун маълум даражада самарали эканлиги аниқланди. Хориж генерациясига мансуб сигирларнинг турли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантириш солиштирилаётган гуруҳлар сигирларининг сутдорлик индексини таҳлили қилишда шу нарса аниқ бўлдики, силосли типга нисбатан сенажли тип билан озиқлантирилган сигирларда 243 кг га ортиқ эканлиги, ёки 18,5% ни; (P<0,001) ташкил этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, турли типдаги озиқланиш рационлари билан озиқлантирилган Германия селекцияси мансуб сигирлар сутининг кимёвий таркиби ва айрим физик-кимёвий хусусиятларига ҳам таъсири сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори бўйича жиддий фарқлар кузатилди, шу сабабдан бўлса керакки, тажриба гуруҳи сигирларидан соғиб олинаётган сутнинг миқдори, назорат гуруҳи сигирларниқидан 2-3 кг атрофида юқори бўлди.



5-расм. Лақтация ойлари бўйича тажрибадаги сигирлардан бир кеча-кундузда соғиб олинган сутнинг миқдори, кг

Тажрибадаги қиёсланаётган гуруҳлар сигирларининг кунлик соғилган сутнинг миқдори унинг таркибидаги ёғ ва оқсилларнинг миқдори бўйича, иккинчи ойнинг ўзида, тажрибадаги сут таркибидаги, қуруқ модданинг миқдори мос ҳолда 2,02% ортган бўлса, сувнинг миқдори 0,9%га камайди. Тажриба гуруҳи сигирлари томонидан сенажли тип рационлари билан 205-215 г атрофида назорат гуруҳи сигирларига нисбатан кўп протеин истеъмол қилганлиги боис, бўлса керак, сутнинг таркибидаги умумий оқсилнинг, казиен ва зардоб оқсилларининг миқдори мос ҳолда назорат гуруҳи сигирлар сутида 7,77; 5,2 ва 15,5% га ортиқ бўлиши аниқланди (6-расм). Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, солиштирилаётган гуруҳлар сигирлар сутининг зичлиги (1027-1029 г/см³) қорамолчиликда талаб қилинган нормалар чегарасида бўлиши, сигирлардан олинган сутлар сифати жиҳатида юқори эканлигидан далолат беради.



6-расм. Солиштирилаётган гуруҳ сигирлари сутининг кимёвий таркиби ва биологик қиймати кўрсаткичлари, %

Бунинг исботи сифатида сигирлар сутининг титрланувчи кислоталик даражасининг 16-17⁰T даражасида ва фаол реакцияси (pH) эса кучсиз кислоталилик даражасининг 6,74±0,03 дан 6,83±0,1 гача ўзгариб туриши, янги сутга хос бўлган сифатий кўрсаткичларни узоқ муддат давомида сақлаб қолишдан ташқари, сут таркибидаги фойдали ва зарарли микрофлоранинг ривожланишига, сутнинг иссиққа чидамлилигига ижобий кўрсатишидан далолат беради.

Сутнинг музлаш даражаси ҳар иккала гуруҳда ҳам деярлик бир хил, норма чегарасида бўлди. Назорат гуруҳи сигирлари сути таркибидаги соматик ҳужайраларнинг миқдори нисбатан юқори 125±22 см/минг бўлиши, ушбу гуруҳ ҳайвонлари организмида маълум даражада минераллар алмашинуви билан боғлиқ негатив ҳолатлар юз бераётганлигидан далолат беради. 5-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, силосли рационлар билан озиқлантирилган назорат гуруҳи сигирларига нисбатан, сенажли рацион билан озиқлантирилган тажриба гуруҳи сигирлари сути билан ажратилган сут ёғи ва оқсилнинг миқдорида аниқ фарқлар, айнан минераллар алмашинувида маълум даражада ўзгаришлар кузатилди. Назорат гуруҳи сигирлари томонидан 305 кунлик лактация давомида сут билан ажратилган сут ёғи ва оқсили мос ҳолда 235,34±2,9 ва 200,9±1,7 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида 283,91±2,9 ва 253,38±2,2 кг ни ташкил этди.

5-жадвал

Турли озиқланиш типлари билан озиқлантирилган тажрибадаги сигирлар сутининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар	
	Назорат	Тажриба
Зичлик, г/см ³	1029,7±0,003	1027,9±0,008
Нордонлик, ⁰ T	16,5±0,10	16,8±0,10
Фаол нордонлик- pH, бирликда	6,74±0,03	6,83±0,1
Қуруқ модда, %	11,9±0,09	12,1±0,09
Ёғларни массали улуши, %	3,7±0,03	5,09±0,02
Оқсилларни массали улуши, %	4,23±0,02	4,46±0,02
Музлаш ҳарорати, ⁰ C	0,527±0,01	0,526±0,12
Соматик ҳужайралар, см /минг	143±26	125±22
Сутнинг ёғсизлантирилган қуруқ қолдиқ модда (СОМО), %	8,16±0,12	8,3±0,10

Демак, сенажли типдаги рационлар билан озиқлантириш натижасида тажриба гуруҳи сигирлари томонидан 20,6 ва 26,0%га кўп сут ёғи ва оқсили ажратилишига олиб келди. Сут таркибидаги умумий оқсил, казеин ва лактозаларнинг сенажли рацион билан озиқлантирилган сигирлар сутида юқори бўлиши бизнинг назаримизда уларнинг, бу сигирлар учун янги бўлган табиий иқлимий ва озиқавий шароитларга мослашиш жараёнида, улар организмида кечаётган моддалар алмашинувининг жадаллигига ҳам боғлиқ бўлган мойиллик натижаси бўлса керак деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСАЛАР

Экспериментал текширишлар натижасида олинган маълумотларга асосан қўйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин.

1. Хориждан келтирилган Голштин зотли сигирлар ўзларининг генетик юқори маҳсулдорлик хусусиятларини намоён қилишлари учун қора-ола зотли сигирларга нисбатан озикаланиш типларига, таркибига, озикалар турларига, миқдорига ва сифатига ўта талабчан ҳайвонлар сирасига киради.

2. Хориж селекциясига мансуб голштин зотли сигирлар лактация давомида, озикланиш типларидан сенажли типдаги рационлар билан озиклантирилганида ўзларининг юқори маҳсулдорлик хусусиятларини намоёиш қилиш билан бирга, урғочи ҳайвонларга хос бўлган барча физиологик ҳолатларни муътадил кечишини намоён қилади.

3. Ҳақиқатда истеъмол қилинган рационлар билан назорат гуруҳи сигирлари бир кеча-кундузда ўртача 19,1 кг қуруқ модда, 16,2 энергетик озика бирлиги, 181,5 мДж алмашинувчи энергия, 2424,2 г протеин ва 4482,9 г клетчатка қабул қилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 2-тажриба гуруҳида мос ҳолда 20,2;16,0 бирлик; 196,7мДж, 2616,1 г ва 5067,7 г ни ташкил этди.

4. Ҳақиқатда истеъмол қилинган қуруқ модда, азотсиз экстрактив моддалар ва протеинларнинг ҳазмланиш коэффициентлари 2-гуруҳида $68,5 \pm 0,8\%$; $64,8 \pm 0,8$ ва $68,7\%$ ни ташкил этган бўлса, 1-назорат гуруҳида $65,5 \pm 1,0\%$; $68,9 \pm 0,8$ ва $66,2 \pm 0,5\%$ ташкил этди.

5. Тажриба гуруҳи сигирлари томонидан сенажли рацион билан клетчатка, АЭМ ва протеин каби тўйимли моддаларнинг етарлича кўпроқ истеъмол қилиниши, катта қорин суюқлигидаги микроорганизмларнинг фаолияти, қатор ферментлар фаоллиги эвазига у ердаги умумий азотнинг миқдори $6,49 \pm 0,02$ мг/% ни ташкил қилган бўлса, 1-гуруҳда 12,5% га кам ёки 85,5 мг % ни ташкил этди.

6. Сенажли типдаги рационлар билан озиклантирилган 2-гуруҳ сигирлари қонидаги эритроцитлар ($6,5 \pm 0,2$ млн/мм³) ва гемоглобиннинг ($114,8 \pm 4,1$ г/л) концентрацияси ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида эса мос ҳолда 7,7 ва 11,1%га кам бўлди. Қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлардан умумий азотнинг миқдори назорат гуруҳида сенажли рацион билан озиклантирилган сигирларда 11,2% га ортиқ бўлишини таъминлади.

7. Сенаж ва силосли типдаги рационлар билан озиклантирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигини даражаси лактациянинг биринчи ойдан бошлабоқ фарқлар кузатилди. 1- ва 2-гуруҳ сигирларининг бир лактация давомида соғиб олинган сутнинг миқдори мос ҳолда $7409 \pm 94,3$ ва $8490 \pm 132,9$ кг ни ташкил этди ёки тажриба гуруҳидаги устунлик 14,6%га тенг бўлди. Бир бош сигир ҳисобига олинадиган иқтисодий самарадорлик 2-тажриба гуруҳида 2,86 млн сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

ХУЖАНОВА ЛАТОФАТ АБСАЛАМОВНА

**ВЛИЯНИЯ ТИПОВ ПИТАНИЯ НА ПРОЦЕССЫ ПИЩЕВАРЕНИЯ,
ПРОДУКТИВНОСТЬ И НЕКОТОРЫЕ СВОЙСТВА МОЛОКА КОРОВ**

03.00.08 - Физиология человека и животных

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/B404.

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ражамурадов Зайнитдин
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Курбонов Шониёз
доктор биологических наук, профессор

Алиев Дилмурод Давронович
кандидат биологических наук

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится « 08 » сентября 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии, Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано под № 18). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан: « 24 » мая 2021 года.
(реестр протокола рассылки № « 15 » 24 мая 2021 года).



И.Хамдамов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор

М.С. Кузиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по биологическим наукам

Х.К.Хайдаров

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире уделяется большое внимание проблеме включения в состав скармливаемого рациона животным веществ, улучшающих качество получаемой продукции и обеспечивающих эффективность кормовых затрат, а также положительному решению вопросов по имеющейся недостаточности полноценных кормовых белков. Следует отметить, что увеличение поголовья скота в мире, изменение ботанического и химического состава, снижение пищевой ценности растительных кормов под влиянием неблагоприятных факторов окружающей среды привела к снижению удоя и мяса животных. Для поддержания и дальнейшего повышения этих показателей продуктивности, повышения питательности, усвояемости и потребления кормов, используемых в рационах животных, имеет актуальное научное и практическое значение.

Во многих животноводческих хозяйствах развитых стран мира проводятся исследовательские работы по использованию генотипов ценных пород для изучения их наследственных свойств, разрабатываются научные основы их использования и обоснованные технологические приёмы. Особое внимания уделяются к разработке кормовых рационов для коров импортной селекции которые внедряется в производство после их совершенствования. В связи с этим необходимо определить механизмы и особенности адаптации импортированного скота с показателями высокой продуктивности к региону, адаптации к новым типам кормления, влияние высокой продуктивности на естественную выносливости организма, их эффективное использование в развитии отраслей животноводства, а также обеспечение населения экологически чистой продукцией животноводства.

Для более устойчивого развития молочного скотоводства в нашей стране особое внимание уделяется повышению молочной продуктивности импортированных коров, созданию условий для их кормления новыми полноценными сбалансированными рационами. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан включает задачи «... дальнейшего укрепления продовольственной безопасности, расширение производства экологически чистой продукции»¹. Исходя из этих целей, важно увеличить количество потребляемых питательных веществ за счет улучшения их переваривания и усвоения, а также за счет организации полноценного кормления коров, повысить продуктивность молока, улучшить качество продукции и внедрить его в производство в существующих животноводческих хозяйствах области.

Данная диссертационная работа служит выполнению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2841 от 16 марта 2017 года «О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве», № ПП-4243 от 18 марта 2019 года, «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводческой отрасли», 29 июля 2019 года, № ПП-4406 «О дополнительных мерах по глубокой переработке

сельскохозяйственной продукции и дальнейшему развитию пищевой промышленности» и № ПП-4576 от 29 января 2020 года «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

